

# ЎҚУВЧИЛАРДА БАҲОЛАШГА ОИД МАСАЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШ КЎНИКМЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

**У. С. Бабохужаев    К. У. Бобохужаев              И. Ш.              Г. Б. Туримбетова**  
**Эгамберганов**

Наманган давлат  
университети

Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўқувчиларга физика фанидан баҳолашга оид масалалар ишлаш кўникмларини ҳосил қилиш учун эътибор берилиши керак бўлган жиҳатлар ва бундай масалаларни ишлашга ўқувчиларда кўникмларни шакллантириш усуллари таклиф қилинган.

**Калит сўзлар:** Ихтисослашган мактаб, баҳолашга оид масала, чегаравий қиймат, физик модел, альтернатив катталиқ, физик ечим, кўникма.

## METHODS OF FORMATION OF STUDENTS 'ASSESSMENT SKILLS

**U. S. Babokhujaev    K. U. Bobukhujaev              I. Sh.              G. B. Turimbetova**  
**Egamberganov**

Namangan State  
University

Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

## ABSTRACT

This article proposes methods for the development of students' navigation for solving, physical problem-assessment, as well as ways to prepare students for solving such problems.

**Keywords:** Specialized school, assessment tasks, limit value, physical model, alternative value, physical solution, skills.

## КИРИШ

Маълумки таълим тарбия, илм-фан жамиятимизда ишлаб чиқариш, техника ва технологияларни ривожланишини асоси хисобланади шунинг учун мамлакатимизда сўнгги йилларда таълимга янада катта эътибор қаратилмоқда. Фикримиз исботи тариқасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги видеоселектор йиғилишининг 86-сонли баёни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сонли “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия, илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Таълим-тарбия

тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 4884-сонли қарорларини келтириш мумкин. Бундан ташқари 2020 йилда ҳукуматимиз томонидан математика, кимё ва биология фанларини ҳар томонлама ривожлантиришга аҳамият берилиб, бу фанларга оид янги авлод дарсликлари, таълим технологиялари ва олиб борилаётган илмий ишларни фундаментал асосларини яратиш йўлга қўйилди. Ушбу ишларни мантикий давоми сифатида Президентимизнинг Олий мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган мурожаатида 2021 йилда физика ва хорижий тилларни ривожлантириш, фундаментал асосларини ишлаб чиқиши зиёлилар олдига вазифа қилиб қўйилди.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизимини ривожлантириш, уларни қўллаб қувватлаш учун зарур шароитлар яратиш, улғайиб келаётган ёш авлоднинг илм фанга бўлган интилишларини рағбатлантириш, интелектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш борасидаги ислоҳатларни тизимли амалга оширила бошланди. Республика Президентининг 2020 йил 3 декабрда “Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4910-сонли қарорларида бу йўналишдаги муҳим вазифалар белгилаб берилган. Жумладан, қарорда амалга оширилиши керак бўлган ишлар қаторида куйидагилар санаб ўтилган:

- иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни академик лицейларга саралаб олиш, чуқурлаштирилган таълим дастурлари асосида ўқитиш;
- ўқувчи ёшларда кенг дунё қараш, интелектуал салоҳият ижодий ва таҳлилий фикрлашни ривожлантириш, илм фанга бўлган қизиқишини орттириш, уларни фан олимпиадаларида иштирокини кенгайтириш;
- ўқувчиларни амалга оширилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш, ватанпарварлик, изланувчанлик ва яратувчанлик руҳида тарбиялаш;
- академик лицейларда таълим сифатини яхшилаш, замонавий ахборот-коммуникация ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, ўқувчиларнинг ахборот технологиялари бўйича соводхонлигини ошириш, уларни «устоз-шогирд» тизими асосида тегишли соҳада юқори натижаларга эришган малакали мутахассисларга бириктириш;
- таълим жараёнини мазмунли ва самарали ташкил этиш учун педагоглар малакасини ошириш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш тизимини ислоҳ қилиш;
- замонавий таълим инфратузилмаси талабларидан келиб чиқиб, академик лицейлардаги мавжуд моддий-техник базани мустаҳкамлаб бориш, билимларни мустақил шакллантириш учун шароит ва имкониятларни кенгайтириш.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун аниқ фанларга ихтисослашган йўналишли таълим муассасаларида физика фанини ўқитишида янгича ёндашувлар зарур. Бундай ёндашувлардан бири физикадан амалий машғулотларда баҳолашга доир масалалар ишлашга эътиборни янада кучайтиришdir. Бунинг асосий сабабларидан бири аниқ фанлар йўналиши битирувчилари асосан университетларнинг физика-математика ёки техника олий ўкув юртларининг турли йўналишларида ўқишни давом эттириб, келажакда илмий тадқиқот ишлари билан шуғуланишлари мумкин. Илмий тадқиқотда эса олиниши кутилаётган натижани баҳолаш ниҳоятда зарур. Масалалар ечимини баҳолаш янги ғоя ва лойиҳаларни таҳлил қилишда катта аҳамият касб этиб, кўпгина ҳолларда масалани аниқ ечими томон йўл бошлайди. Шунингдек аниқ ечимни қўллаш чегараси имкониятини яратиб, қўлланиш чегарасидан ташқарида қандай ўзгаришлар киритиш зарурлигини кўрсатади бу эса интуициядан ташқари ижодий фикрлашни ва мантиқий таҳлилни ўстиради. Ўқувчиларда мантиқий тафаккурни ўстириш орқалигина фаннинг аниқ моҳиятини тушунтириш мумкин.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Баҳолашга оид масалаларни ечишда масалани физикавий маънода қўйиш, ҳодиса ёки жараённи физик моделини қуриш ва танлаш асосий бўғин ҳисобланади. Физик жараён моделини яратишида унинг юзага келишига сабабчи бўлган асосий ва асосий бўлмаган физик параметрларни танлаш, асосий бўлмаган физик параметрлар қандай шароитда содир бўлаётган физик жараёнга таъсир қилиш чегарасини аниқлаш керак бўлади. Чунки анъанавий масалалар чуқур таҳлилни талаб қилмай, деярли ўқувчиларда асосан физик параметр ва формулалардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиради холос.

Юқоридагилардан ташқари физик параметрлар ўртасидаги боғланишни топиш учун физик қонунлар ва тушунчалардан тўғри фойдаланиб уларни ўзаро боғлаш керак бўлади. Баҳолашга оид масалаларни [1,2,3] каби қўлланма ва илмий журналларда берилган. Аммо ҳозирда республикамида ихтисослашган мактаблар ва академик лицейларга фойдаланишга тавсия қилинган масалалар тўпламида [4,5,6] бундай масалалар деярли берилмаган. Шуни эътиборга оладиган бўлсак ўқувчиларда деярли баҳолашга оид масалаларини ишлаш кўникмалари шаклланмаган. Бундан ташқари юқорида келтирилган фикрлардан кўриниб турибдики, баҳолашга оид масалаларни ечиш учун амалий машғулотларни физика курсини қайсиdir бўлимини асосий қисми тугагандан сўнг ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки ўқувчиларда ҳали қўникмалар шаклланмай туриб баҳолашга оид масала тақдим этиш кўзлаган мақсадга олиб келмайди. Ишни аввал баҳолашга олиб келувчи анъанавий масалалардан бошлаш лозим. Демак, анъанавий масалаларни ишлаш кўникмаси ҳосил қилингач,

жараённи баҳолаш орқали ўқувчиларда баҳолашга оид масалаларни ечишга ўргатиш самарали ҳисобланади.

Намуна сифатида механика бўлимига оид масалани келтирамиз. Олинган қийматини керакли ифодага қўйиб натижа олиш, олинган натижа реалликка қанчалик яқинлигини таҳлил этиб содир бўлаётган жараён учун албатта физик модел тузилишига олиб келинишини кўриш мумкин. Масалан,

“Cobalt” енгил автомобили жойидан қўзғалиб  $t=4\text{с}$  да ўз тезлигини  $v_1=36 \text{ км}\backslash\text{соат}$ ,  $v_2=72 \text{ км}\backslash\text{соат}$ ,  $v_3=120 \text{ км}\backslash\text{соат}$  гача орттирса, унинг тезланишини топинг?

Ушбу масалани ечишда ҳам оддий  $v=at$  формуладан фойдаланиб тезланишни топамиз.

$$\begin{aligned} a &= \frac{v}{t} & a_1 &= 2.5 \text{ м}\backslash\text{с}^2 \\ && a_2 &= 5 \text{ м}\backslash\text{с}^2 \\ && a_3 &= 8.3 \text{ м}\backslash\text{с}^2 \end{aligned}$$

Масалани таҳлилида эътиборни охирги топилган натижага қаратамиз. Автомобил  $8.3 \text{ м}\backslash\text{с}^2$  тезланиш билан ҳаракатлана оладими? Бу ҳаракат қайси физик параметрларга боғлиқ, енгил автомобил тезланиши чегараланганми ёки тортиш кучими? Тезланишни чегараланишига сабаб нима? Таҳлил давомида “Cobalt” енгил автомобилини максимал тезлиги спидометрни кўрсаткичи бўйича  $220 \text{ км}\backslash\text{соат}$  бўлади. Унда сабаб нима? Тортиш кучими? Автомобил ҳаракатини юзага келтирувчи кучни қайси нуқтага қўямиз? Бу каби саволларга жавоб излаш давомида ҳаракатлантирувчи куч, асфальт томонидан автомобил шинасига таъсир қилувчи тинчликдаги ишқаланиш кучи ва автомобилнинг двигателини қувватига боғлиқлиги келиб чиқади.

Тинчликдаги ишқаланиш кучини максимал қиймати эса сирпаниш ишқаланиш кучига teng эканини ҳисобга олиб автомобил эришиши мумкин бўлган максимал тезланишни топа оламиз

$$ma=\mu mg \Rightarrow a=\mu g$$

Агар ишқаланиш коэффиценти  $\mu=0,75$  эканлигини ҳисобга олсак  $a=7,5 \text{ м}\backslash\text{с}^2$  га эга бўламиз. Тезланишни максимал қийматидан биз эга бўлган  $a_3=8,3 \text{ м}\backslash\text{с}^2$  натижа физик нуқтаи назардан берилган масала жавоби ҳисобланмайди деган хулоса чиқади.

Демак, биз юқорида тезланишга қўшилган чегаравий қийматни топиш учун масала шартида берилмаган катталиктан, яъни ишқаланиш коэффициентида фойдаландик. Бу баҳолашга оид масалалар ишлашни асосий шарти ҳисобланади.

Шунингдек, ўқитувчи томонидан ўқувчиларга қуйидаги мазмундаги саволларнинг берилиши, уларда ушбу жараённи чуқур тахлил қилиш, ҳар бир элементларни инобатга олишга ўргатади:

- Тортиш кучи  $F_t$  ишқаланиш  $F_i$  кучидан катта бўлиши мумкинми?

- Агар тортиш кучи  $F_t$  ишқаланиш  $F_i$  кучидан катта  $F_t > F_i$  бўлса ҳаракат тенгламаси қандай бўлади?
- Нима учун енгил автомобилларнинг тезлиги юқоридан чегаралланган?
- Ишқаланиш кучи билан ҳаракатга қаршилик кучини фарқи нимада?
- Автомобил ҳаракатига қаршилик кучини ва қаршилик коеффицентини қандай қилиб тажрибада аниқлаймиз?
- Топилган катталиклардан фойдаланиб “Cobalt” автомобилини қувватини баҳоланг.
- Масалани жавобидаги хатоликни аниқлай оласизми?
- “Cobalt” автомобилини дивигателини Ф.И.К ни баҳолай оласизми?

Юқоридаги масала муҳокамасидан кўриниб турибдики, ҳаттоқи оддий масалани атрофлича таҳлил қилиб унга ижодий ёндашиб механика бўлимини деярли барча қонунлари ва тушунчаларини тадбиқ қилиш имкони мавжуд. Бундай амалий дарс машғулотларини академик лицейлар ва ихтисослашган мактабларда ташкил этиш учун ўқитувчи ва ўқувчилардан қўйидаги қўникма ва малакаларни талаб қилинади:

- қийинлик даражаси ўртачадан юқори бўлган масалаларни ишлай олиши ва қайсиdir параметрини чегаравий қийматини баҳолай олиши;
- қийинлик даражаси ўртачадан паст бўлган масала тузা билишни ва бу масалани қайсиdir чегаравий қийматини баҳолай олиши;
- физикага оид жадваллар ва керакли катталиклар билан ишлай олиш ва керакли коеффициент бирликларни танлай олиши.

## ХУЛОСА

Юқоридагилардан хulosа қиласидан бўлсак, баҳолашга оид масалаларни ишлаш учун ўқувчиларни доимий равишда бундай масалалар билан ишлашга ўргатиб бориш керак. Бунинг учун физика фани ўқитувчиларидан:

- физик қонунлар ва тушунчаларни атроф-муҳитдаги жараёнлар билан боғлаш;
- фойдаланилаётган ёки янги киритилган физик параметрларни қийматини ўзгариш чегарасини баҳолаб бериш;
- кўрилаётган масалада берилган физик катталиклардан ташқари жараёнда яна қандай катталиклар иштирок этиши мумкинлиги, аммо нима учун ҳисобга олинмаганлигини изоҳлаб бериш;
- амалий машғулотларда ишланган масалалардаги берилган катталикларни альтернатив катталиклар билан алмаштириб олинган натижани реал воқелик билан солиштириб бериш;
- уйда хўжалик жиҳозлари воситасида рўй берадиган ёки кундалик хаётда ўзи қатнашадиган доимий воқеаларда ишлатилиши мумкин бўлган физик катталикларни аниқлаб бериш каби кўникмалар талаб этилади.

Ўйлаймизки юқоридаги таклифлар асосида ҳар бир амалий машғулотга ижодий ёндашган ҳолда таёргарлик кўриш ва ижодий ёндашиш орқали олдимизга қўйилган вазифани бажаришимиз мумкин.

## REFERENCES

1. Л.А.Сена “Сборник вопросов задач по физике”, Москва. “Великая школа” 1986 Г
2. В.С. Димитриев “Физикые задачи оценки” Потенциал 2008 №12 стр 26-30.
3. Г.В.Меледин “Задачи - оценки”. “Квант”. 1983 №7 стр.55.
4. А.П.Римкевич. Физикадан масалалар тўплами. Ўрта мактабнинг 10-11-синфлари учун қайта ишланган еттинчи нашри Тошкент “Ўқитувчи” 2003.
5. К.А.Турсунметов, А.А.Узоқов, И.Бўрибоев, Физикадан масалалар тўплами. Академик лицей ва касб-хунар колледжлари учун ўқув қўлланма 4 - нашр. “Ўқитувчи” 2005
6. М.М.Усмонов. Физикадан савол ва масалалар тўплами. Тошкент. “Наврўз” 2014.
7. А.А Узоқов. Физикадан тестлар тўплами (1996-2003) Тошкент. 2010.